

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

2015 йил 5 декабрь шанба
дам олиш кунини 2015
йил 7 декабрь душанба
кунига кўчириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини нишонлаш муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2015 йил 5 декабрь шанба дам олиш кунини 2015 йил 7 декабрь душанба кунига кўчирилсин;
2015 йил 5 декабрь шанба кунини иш кунини деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2015 йил 20 ноябрь.

Вилоят кенгаши сессияси

ДОЛЗАРЪ МАВЗУ МУҲОКАМАСИ

Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлигида Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги VI сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Тошкент вилоятидан сайланган аъзолари, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят бошқарма ва ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, сиёсий партия гуруҳларининг вилоят бўлими раҳбарлари, Халқ депутатлари Ўрта Чирчиқ ва Пискент туманлари кенгашлари депутатлари, корхона ва ташкилот, фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Сессияни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси, вилоят ҳокими Аҳмаджон Усманов олиб борди.

Сессияда кун тартибига қўйилган қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқур-

лаштириш бўйича Республика комиссиясининг 2015 йил 21 октябрдаги йиғилиши баёни ижроси юзасидан фермер хўжалиқларининг ер майдонларини мақбуллаштириш бўйича Ўрта Чирчиқ ва Пискент туманларида амалга оширилган ишлар натижаси муҳокама этилди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.



Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

БУНАҚАСИ ФАҚАТ ТОЛБУЛОҚДА БЎЛСА КЕРАК!

Ангреннинг Толбулоқ шаҳарчасида 4 та мактабга таълим муассасаси, 3 та ўрта таълим мактаби, битта иқтисодиёт ва тадбиркорлик касб-хунар

44-ўрта таълим мактабида ўқувчилар иссиқ хоналарда дарс тинглаётганларини, давомат яхшилигини кўриб, қувондик. Бу йил барча мактаб тоилари ёпилгани, локал қозонхоналар ўрна-тилганининг гувоҳи бўлди.

Алфия Меҳмонова мудирлик қилаётган 29-мактабга таълим муассасасида 140 бола тарбияланаётган экан. Му-дира фақат ютуқларни

бирма-бир санаб, муаммолар тўғрисида ломим демади. Боғча шинамгина ва озода экан. Бироқ, ётоқхонада бола-лар одаялларга ўраниб ётишгани, хона бири-на электр иситгич билан иситилаётганини кўриб, ажабландик.

Бир неча йилдан бери аҳвол шу, — деди А. Меҳмонова. — Кейинги йилда алоҳида қозонхона қуришни бошла-миз.

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ОЗОД ВА ОБОД МАМЛАКАТНИНГ БАХТЛИ ЁШЛАРИ

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизнинг барча ҳудудида қурилиб, фойдаланишга топширилётган "Қамолот" уйлари ёш оилаларнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини ҳал этиб, эмин-эркин ишлаши, ўқиши, ўз салоҳиятини намоён эти-ши, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун кенг имкониятлар яратмоқ-да.

Ўзбекистон "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳара-кати марказий кенгаши раиси Баҳодир ҒАНИЕВ билан ЎЗА мухбирининг суҳбати шу ҳақда бўлди.

— Ватанимиз мустақил-ликка эришгач, Президен-тимиз ташаббуси билан қабул қилинган дастлабки қонунлардан бири "Ўзбеки-стон Республикасида ёшлар-га оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида" деб номланиши халқимизнинг болажонлигидан, фарзанд-лари қамолтини ҳаёт мазму-ни деб билишидан, — дей-ди Б. Ғаниев.

Бугун ушбу қонун ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ёш авлодни ҳар томонлама қамолга етказиш, турмуш фаровонли-гини таъминлаш бораси-даги кенг қўламли ислохот-ларни амалга оширишда турли соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритиб,



Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

Эртаминг эгаларининг за-монавий билим олиши, касб-хунар ўрганиши, ис-теъдод ва салоҳиятини на-моён этиши учун яратил-ган шароитлар уларнинг турли соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритиб,

Ватанимиз тараққиёти, халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксал-тиришга муносиб ҳисса қўшишига замин бўлмоқда. Ёш оилаларнинг мод-дий-маънавий қўллаб-қув-ватлашиши истиқболнинг

дастлабки йилларидан из-чил амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар-нинг муҳим қисмидир. Президентимиз Ислам Ка-римовнинг 1992 йил 28 ав-густда қабул қилинган "Ўзбекистон ижодкор

ёшларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, ёш истеъдод соҳибларига уй-жой ажратилган. Бу улар-нинг турмуши фаровонли-ги, эркин иход қилишига

замин яратган. Халқ ибо-раси билан айтганда, "Ўз уйида палак ёзиб", фаро-вон ҳаёт кечиришига, фар-зандларини барқамол қи-либ ўстиришига имкон берган.

(Давоми 3-бетда).

Қонун ҳимоясида

Республика Президентининг 2014 йил 24 июлдаги "Қонунчи-лик ижросини таъминлаш ти-зимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида прокуратура орган-лари зиммасига давлат органла-ри ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалдаги қонунчилик талаблари-га мувофиқлигини назорат қи-лишни, мансабдор шахсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни сўзсиз ижро этишдаги масъули-ятини кучайтириш каби муҳим ва-

зифалар юклатилган. Шунга му-вофиқ, вилоят прокуратураси органлари давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва на-зорат органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса, ташкилот ва мансаб-дор шахслар қабул қилган ҳу-қуқий ҳужжатларнинг Конститу-ция ва бошқа қонунларга муво-фиқлигини мунтазам ўрганиб бормоқда.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖИНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ

Ўрганишлар шуни кўр-сатмоқдаки, маҳаллий ижро ҳокимияти органла-рига қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожланти-ришга оид қатор вазифа-лар юклатилгани ҳолда, ҳокимлар қабул қилаётган қарорлар қонунбузилиш-лардан холи эмас, Хусу-сан, ўтган даврда проку-ратура органлари ҳоким-ларнинг 260 га яқин қонун

талабларига зид қарор-ларини аниқлаб, проку-рорлар протестлари асо-сида бекор қилди ёки қонун талабларига муво-фиқлаштирди. Аксарият ҳокимлар қишлоқ хўжали-гига оид қарорларни қабул қилишда ер тўғри-сидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузишмоқ-да, суғориладиган экин майдонларини қонунсиз муомаладан чиқаришмоқ-да.

Ер ажратишдаги суи-истеъмолчиликларнинг олдини олиш мақсади-да ўтказилган тадбир-лар чоғида 14,2 минг гектар ер ноқонуний аж-ратилгани аниқланиб, туман ва шаҳар ҳоким-ларининг 113 та қонун-га зид қарорларига прот-ест келтирилиб, 9 минг гектар ер давлат захи-расига қайтарилди.

(Давоми 2-бетда).

Маънавият

«ҲАЁТИМНИ САҚЛАБ ҚОЛИНГЛАР...»

Шифохона йўлагига ўтирган Шарифа икки кун бўлдики, туз тотгани йўқ. Ўғлининг аянчи қиёфа-си-ю, "Ҳаётимни сақлаб қолинглар, икки фарзандим бор" дея зорланиши кўз ўнгидан кетмайди. Юм-юм йиғлаб, ич-этини ёйди. Жигаргўшасининг шу кўйга тушгани учун ўзини айблади. Тўғри-да, ўғлининг шу ерда то-паётган пулига қаноат қилмай, кўни-қўшининг гапига кириб, хорижа юборди...

Собир хорижда иш-лаб юрган вақтида тиши қаттиқ оғриди. Эътибор

бермай юрди-ю, оғрик кучайиб, аъзойи бадани шиша бошлаб, шифо-корга мурожаат қилди. Оғрик тўхтагач яна ишга чиқди. Орадан бирор ҳафта ўтгач, қулоқ ва бо-шидаги қаттиқ оғрик ту-файли 6 ой шифохонада ётди. Бирор ўзгариш бўлмагач, Ватанига оғир аҳволда қайтди...

Тахлиллар Собирнинг ОИТСга чалинганини кўрсатди. Шифокорлар-нинг тахминига кўра, хо-рижда тиш шифокори то-заланимдан асбоб-ускуна-лардан фойдаланган...

— Қомила билан Соҳиб-

жонни олиб келинг, улар-ни жуда соғиндим.

Нихоят, ўзига келган Собирнинг биринчи гапи шу бўлди.

— Бироз ўзингга келиб, оёққа туриб ол, ўшанда олиб келаман, — деди она-си.

Шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари билан Собирнинг аҳволи бироз яхшилангандай бўлди. Шарифа уйга кетди-ю, бирор соат ўтар-ўтмас на-бираларини олиб, касал-хонага қайтганда, шифо-корларнинг югур-югурини кўриб, ҳайрон бўлди.

(Давоми 2-бетда).

Вилоят сессиясида муҳокама қилинган мавзу

ОЧИҚЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ

"Мамлакатимизда демократик ис-лохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожланти-риш Концепсияси" доирасида қабул қилинган "Давлат ҳокимияти ва бош-қаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Қонун фуқаро-ларнинг давлат бошқаруви орган-лари фаолияти ҳақидаги ахборотга бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш тамойилларини та-комиллаштириш ва улар фаолияти-нинг очиклигини таъминлашга хиз-мат қилмоқда. Қонунда давлат ҳоки-мияти ва бошқаруви органлари раҳ-

барларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлашдаги ваколат-лари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаб қўйиш билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини ОАВда ёри-тишга масъул ахборот хизматининг мажбуриятлари кўрсатилган бўлиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтида уларнинг фаолияти тўғрисидаги ах-боротни жойлаштириш ва янгилаб бориш вазифалари ҳам юкланган.

(Давоми 2-бетда).

КЕЛИН ТОМОН У ДЕДИ, КУЁВ ТОМОН БУ...

Қомилжон пешонаси тиришиб, тўйнинг қолган харажатлари рўйхати-ни тузар экан, останада қизи Дилсўз кўринди.

— Ҳа, яна нима гап?

— Ҳалиги... Куёв томон: "Келин қўйлақни ўзинглар олинглар", деяпти.

— Бекорларни айтибди. Менга қолса, тўйингга эгингидеги қўйлақингга бор... Шундоқ ҳам қарзим бошимдан ошиб кет-ди. Ҳали яна қанча харажатлар турибди...

— Бу нима деганингиз, менинг кўча-да қолган қизим йўқ. Оқ қўйлақ олиб бермаса, тўй ҳам бўлмайди, — деди қиз-нинг онаси.

Шу тариқа ҳали тўй бошланмай ту-риб, қудалар ўртасида гап қочди. Қиз томон у деди, куёв томон бу. Бир амал-лаб, жуда кўп қийилган, бироз урин-ган, номи "Оқ қўйлақ" деган матоҳда келин келиб, тўй ҳам ўтди. Лекин икки ўртада тўйдан олдин бошланган совуқ-чиликни илтишнинг ўзи бўлмади. Қун-ора пичинглар-у, кесатиклар, қилдан қийиқ ахтариб бошланадиган жанжал-лар туфайли Дилсўз келин бўлиб туш-ган хонадонига меҳр қўя олмади, беш ойлик ҳомиласи билан ота уйига қай-тиб келди...

(Давоми 4-бетда).



(Давоми 2-бетда).

Вилоят сессиясида муҳокама қилинган мавзу

Маъмур қонуннинг ижроси Чирчиқ шаҳри ҳамда Қибрай ва Зангиота туманларида назорат-таҳлил тартибда ўрганилди. Бу шуни кўрсатдики, Чирчиқ шаҳар ҳокимлигининг www.chirchik.uz веб-сайтида ва "Чирчиқ тонги" ижтимоий-сиёсий газетасида шайхонлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлиналари ҳукукий мақомини белгилловчи норматив-ҳукукий ҳужжатлар, бошқарув органлари қабул қилган ҳужжатлар ва уларнинг ижроси юзасидан маълумотлар, ўтказилган оммавий тадбирлар мунтазам бериб боришмоқда.

Халқ депутатлари Қибрай туман кенгаши ҳамда Қибрай туман ҳокимияти тегишли қарорлари, туман ҳокимлигининг расмий наشري бўлган "Қибрай сандоси" ижтимоий-сиёсий газетасида (Давоми. Боши 1-бетда).

зетасида мунтазам чоп этилиб, 2014-2015 йиллар давомида туман ҳокимияти ва ўринбосарлари, ташкилот ва идоралар раҳбарларининг 50 дан ортиқ чиқишлари эълон қилинди, қонуннинг 5- ва 11-модда-

лар", "Истиқлол сурури" номили рўқналарда Давлат дастурининг амалга оширилиши, бунёдкорлик, туман янгиликлари мунтазам чоп этилмоқда. Шунингдек, газетасида ҳокимиятнинг расмий веб-сайти қонуннинг 13-моддаси талабига зид

ишчи гуруҳ маъмур шаҳар ва туманларда қонун ижроси билан боғлиқ баъзи камчиликлар мавжудлигини ҳам аниқлади. Масалан, учала ҳокимиятнинг расмий веб-сайти қонуннинг 13-моддаси талабига зид

юзасидан ўтказилаётган тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш таъмин этилмаган. Ҳокимликлар фаолияти ҳақида ахборот тақдим этишга маъмул мансабдор шахслар фаолияти талаб даражасида эмас.

ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш тартибини белгилловчи норматив-ҳукукий ва бошқа ҳужжатлар ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш таъмин этилмаган. Веб-сайтга жойлаштирилиши мумкин бўлган ахборотлар рўйхати тузилмаган ва тасдиқланмаган. Жойлаштирилган ахборотларни ўз вақтида бериш таъминланмаган.

Халқ депутатлари вилоят кенгаши V сессияси кун тартибда маъмур масала кўриб чиқилиб, камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш ҳақида қарор қабул қилинди.

Мунира ҚОРИЕВА,
Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, регламент ва депутатлик одоб масалалари бўйича доимий комиссия раиси.

ОЧИҚЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ

ларига мувофиқ тумандаги бўш иш ўринлари ҳақида ахборотлар берилади. Шу билан бирга, ҳокимликнинг расмий www.qibray.uz веб-сайтида янги қабул қилинаётган қонун, қарор ва фармойишлар, вилоят ҳокимлиги тузилмаси, вазифалари, реквизитлари, раҳбарият тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилди.

Зангиота тумани ҳокимлигининг расмий наشري "Истиқбол" газетасида "2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили", "Янгилик-

очик танлов, тендер ва кимовиди савдолари тўғрисидаги маълумотлар берилади. Шу йилнинг ўзига туман ҳокимияти газетасида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга 10 та қарор ва фармойиш, Халқ депутатлари туман кенгашининг 5 та сессияси қарор ва фармойиши чоп этилган. Туман давлат бошқаруви органлари ва жамоат ташкилотлари мутасаддиларининг 298 та чиқиши эълон қилинган. Назорат-таҳлил тартибидеги ўрганиш жараёнида

ҳолда янгилаб борилмаган. Саҳифалардаги маълумотлар эски, баъзи бирларига эса ҳеч қандай маълумот жойланмаган. Айниқса, Чирчиқ шаҳрининг www.chirchik.uz сайтыда ҳоким ўринбосари лавозимидан озод этилган Малоҳат Эгамназарова ҳозиргача ҳоким ўринбосари сифатида кўрсатилгани қонун талабларига мувофиқ эмас. Бундан ташқари, ҳокимликларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш

Чирчиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси маъмурияти биноси ахборотлар тендидаги ўз кучини йўқотган "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни янги таҳрирдагиси билан алмаштирилмаган. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Чирчиқ шаҳар бўлими биносига кириш жойларига жамғарма фаолиятига доир қонунлар ишлиб қўйилмаган. Зангиота тумани ҳокимлигида давлат ҳокимияти

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

ЭНГ ЯХШИСИ, СИФАТЛИСИ ИСТЕЪМОЛЧИ УЧУН

Бош қомусимизда истеъмолчилар ҳукуқи ус-тунлиги кафолатлангани мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ушбу тамойил қонунчиликка сингдирилгани фуқароларнинг истеъмолчи сифатида факат энг яхши, энг сифатли маҳсулот ва хизматлардан баҳраманд бўлишга ҳукуқи асос яратган.

Президентимиз раҳна-молигида 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган "Истеъмолчиларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунга кўра, давлат истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) сотиб олиш ва ундан фойдаланишдаги ҳукуқлари ҳамда қонун билан муҳофазаланадиган манфаатларини ҳимоя қилади.

Мамлакатимизда ушбу қонун ижросини таъминлаш борасида жамоат ташкилотлари ҳам ишчилар олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрда қабул қилинган "Истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борода муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилаётди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг навбатдаги ҳисобот конференциясида соҳага оид қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ижроси, истеъмолчилар мурожаатлари билан ишлаш борасида қилинаётган ишлар таҳлил этилди.

Тадбирда мамлакатимизда нодавлат ноҳижорат ташкилотларининг эркин фаолият юритиши учун пухта қонунчилик базаси яратилгани алоҳида таъкидланди. Ҳозир юртимизда саккиз мингдан ортиқ нодавлат ноҳижорат ташкилоти фаолият юритмоқда. Уларнинг асосий қисми фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳукуқлари ҳимояси, аёллар ва ёшлар муаммоларини ҳал қилиш билан шуғулланмоқда.

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва унинг куйи тизимлари истеъмол бозорига сифати паст, одамлар ҳаёти ва соғлиғига ҳавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик ус-

тидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолининг ҳукуқий ва истеъмол маданиятини ошириш борасида изчил фаолият юритмоқда, – дейди федерация масъул ходими Нодир Муҳамедов. – Ушбу мақсад йўлида федерациянинг 14 ҳудудий бирлашмаси, 193 туман ва шаҳар жамияти, маҳалларда, қорхона ва ташкилотларда ҳамда ўқув муассасаларида таянч гуруҳлари фаолият юритмоқда. Тизимимизда истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш билан бирга, фуқаролар дуч келаятган турли муаммоларни ҳал этиш алоҳида эътиборда.

Ушбу мақсадда ўқув семинарлари ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштирилмоқда. Бу ҳалқимизнинг истеъмол маданияти юксалишида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Аҳолидан эллик мингга яқин мурожаат тушган бўлса, уларнинг аксари яти истеъмолчилар фойдасига ҳал этилди. Уларга етказилган 12 миллиард сўмликдан ортиқ моддий ва маънавий зарар қопланди.

Федерация тизимида замон талаблари асосида фаолият юритиш учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланилмоқда. www.potreb.uz, www.istemol.uz веб-сайти шу мақсадга хизмат қилаётди. Жорий йилда 1091 "ишонч телефони" ишга туширилгани фуқароларга яратилган яна бир қўлайлик бўлди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари, федерация масъул ходимлари, унинг ҳудудий бирлашмалари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда келгусида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар муҳокама этилди.

Н. АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

Тақдимот

ТАФАККУР ХАЗИНАСИ

Оққўрғон қурилиш ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежиде Президентимизнинг халқимиз тафаккур хазинасига улкан ҳисса

бўлиб қўшилган "Она юртимиз бахту ёқболи ва келажиги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир" номи китобининг тақдироти бўлиб ўтди.



"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда мавжуд 5 та касб-хунар коллежнинг иқтидорли ўқувчилари иштирок этишди. Сўзга чиққанлар асардаги "Кимки мустақил-

лик йилларида Ўзбекистон қўлга киритган муваффақиятларни кўрмоқчи бўлса, аввало одамларнинг, халқимизнинг юзига, кўзига қарасин. Мактаб, лицей ва коллежларда таълим-тарбия олаётган болаларнинг чеҳрасига босқин!" деган фикрларни алоҳида таъ-

кидладилар. Ёшлар онига бугунги эркин ва фаровон кўнларнинг қадрига етиш, Ватанимиз, унинг истиқболи олдидаги бурчларини чуқур англашлари кераклигини ўқитдилар.

НОЗИМА АРСЛОНОВА,
ҚОБИЛЖОН ҚОҒУРОВ
олган сурат.

Қонун ҳимоясида

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖИНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ

Жумладан, Зангиота тумани ҳокимияти қарори билан "Қундузхон Муборак" фермер ўжалигининг 0,92 гектар ери белгиланган тартибга риоя қилинган, "Веверон инвест" МЧЖга сервис ва хизмат кўрсатиш мажмуи қурилиши учун ноқонуний ажратиб берилган. Паркент тумани ҳокимияти жорий йилда жисмоний ва юридик шахсларга ер ажратишда 35 та, Янгийўл тумани ҳокимияти эса 21 та ноқонуний қарор қабул қилган.

Маъмур ноқонуний қарорларни бекор қилиш билан бирга қонунбузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли жавобгарлик чоралари кўрилди.

Қибрай тумани ҳокими киритган асосисда даъво аризалар ҳамда давлат бино ва иншоотлари ижара шартномаси тузмай, фойдаланишга бериб юборилгани юзасидан суд белгиланган 12,6 миллион сўмлик давлат божи ва етказилган зарар туман ҳокимлиги ҳисоб рақамидан тўлаб берилган.

Бўстонлик туман ҳокимлиги мансабдор шахслари ҳокимлик захирасидаги 1,2 минг гектар ери фойдаланувчиларга қарор асосида ажратиб бермагани оқибатида 21,4 миллион сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирилмай қолгани

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маънавият

– Худо сабр берсин, – деди шифокор. – Биз қўлимиздан келганини қилдик...

Ҳа, бундай воқеалар киши дилини вайрон қилди, албатта. Яқинда дугона ОИТС касаллигини эридан юқтирган ҳомиладор аёл ўзини осиб қўйганини айтган.

Маълум бўлишича, ОИТСга чалинганларнинг 70-80 фоизи уни жинсий йўл орқали юқтиради, – дейди вилоят тиббий статистика институтини мутахассиси Орузхон Латипова. – Шунингдек, бу касаллик фоҳиша ва гийҳвандлар орасида тез тарқалиб, қон, она сутти ва бошқа бир қатор йўللار орқали ўтади. 1970-йилларнинг ўрталаридан бошлаб ОИТС Хиндистон, Жанубий Африка, Эфиопия, Нигерия, Конго, Кения, Зимбабве, АҚШ, Хитой каби мамлакатларда кенг тарқалган. 1987 йили Бунтажон соғлиқни сақлаш ташкилоти ОИТС кўзгатувишининг номи тасдиқланди.

Француз олими Люк Монтанте ва америкалик олими Роберт Галлонинг таъкидлашича, ОИТС ўпка яллиғланиши, минянинг жароҳатланиши, турли ўсма ва сил касали ривожланишига замин яратди. Натигада битмайидиган яра-лар пайдо бўлиши, беморнинг озиб кетиши кузатилади. Шунингдек, олимлار вируснинг киши танасидаги яширин даври 1 ойдан 4 йилгача ва ундан кўпроқ давом этиши мумкинлигини қайд этганлар.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши курашининг самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, Вазирлар

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маҳкамасининг "ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмаси ва фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорлари ва қатор меъри-рий ҳужжатлар асосида аҳоли ўртасида инфекция тарқалишининг олдини олиш, вақтида ташхис қўйиш, инфекцияга чалин-

ганларни диспансер назорати олиш, даволаш, парвариш қилиш, руҳий ёрдам кўрсатиш чоралари кўришмоқда, – дейди вилоят ОИТСга қарши кураш маркази методик, профилактик ва эпидемияга қарши ишларни ташкил этиш бўлими мудири Рохила Юсупова. – Вилоятимизда йилнинг ҳар чора-гида ҳокимлик ҳошида ташкил этилган "ОИВ инфекциясини тарқалишига қарши курашиш тадбирларини мувофиқлаштириш комиссияси"нинг йиғилиши ўтказилиб, эпидемик вазият таҳлил қилинади ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланади. Шунингдек, ОИВ инфекциясининг олдини олиш бўйича аҳолининг кенг қатламига мўлжалланган "Саломатлигингизни сақлаш ўзингизнинг қўлингизда" рисола-

сини "Ўқинг ва риоя қилинг" буклети чоп этилди. Вилоят ҳокимлиги тасдиқлаган режа асосида шаҳар, туман, ҳатто, чекка қишлоқларда ҳам тарғибот ишлари олиб боришмоқда. – Ўзбек халқи азал-азалдан оилани муқаддас билган, – дейди Қибрай тумани, Дўрмон қишлоғи, "Нурафшон" маҳалласининг диний маърифат ва

маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Валия Махмудова. – Негаки, оила фарзандаларини ҳам жисмонан, ҳам маънави соғлом бўлиб камол топиши ва порлоқ келажакнинг асоси. Шу боис никоҳланувчиларни тиббий қўриқдан ўтказиш тартиби жорий этилди.

Олимлار ОИТС касаллигини даволаш йўллари топиш мақсадида тинмай излашни ва тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Яқинда АҚШнинг Сан-Франциско шаҳрида истиқомат қилувчи Тимоти Браун ОИТС инфекциясидан тузалган ilk бемор сифатида дунёга машҳур бўлиб кетди. 1996 йилда Браунда ОИТС инфекцияси, кейинчалик эса, лейкомия (оққон касаллиги) ҳам борлиги аниқланган. Шундан сўнг тезкор жарроҳлик амалиёти орқали беморга бошқа одамнинг суяк қўмиги кўчириб ўтказилди. Орадан маълум вақт ўтган, бемор қонида ОИТС вируси ва лейкомия излари умуман топилмади.

Аммо мутахассислар бу усулдан фойдаланишга умид боғламаслик кераклигини айтишмоқда. – Бу ўта мураккаб ва гайритабиий жараён, – дейди Калифорния университетини профессори, ОИТС тадқиқоти маркази директори Пол Волдбер. – Суяк қўмиги ўтказиш ҳаффи ва жуда катта маблаг талаб этади. Айни пайтда ОИТС билан касалланганларнинг ҳатто, бир фоизига ҳам суяк қўмиги ўтказишнинг имкони йўқ. Бу жарроҳлик амалиётининг мураккаб ва қimmatлиги, қолаверса, донор топиш ўта мушкул экани билан боғлиқ.

ИРОДА ҚОРИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

БУНАҚАСИ ФАҚАТ ТОЛБУЛОҚДА БЎЛСА КЕРАК!

– 34-уй 17-хонадонда яшайман, – деди Татьяна Багдагуля. – Ўзим уй бошлиғиман. 8 йилдан бери уйимиз тарновлари чириб, йўқ бўлиб кетди. Оқибатда деворларни зах босиб, нам уйларимизга ўтиб кетаяпти. Ширкатга мурожаат қилавериш, чарчадик. Ахир, ўзимиз ҳаракат қилишга мажбур бўлдик.


Илҳом Хўжаназаров 22-уй 13-хонадонда яшашини, йўлаклар уч йилдан бери таъмирланмаслигини, де-

(Давоми. Боши 1-бетда).



разалар ойна ўрнига целлофан билан ёпилганини айтди. 34-уй 5-хонадон эгаси Зокир Юнусов ҳам бери уйимиз тарновлари чириб, йўқ бўлиб кетди. Оқибатда деворларни зах босиб, нам уйларимизга ўтиб кетаяпти. Ширкатга мурожаат қилавериш, чарчадик. Ахир, ўзимиз ҳаракат қилишга мажбур бўлдик.

– Камчиликларни



бартараф этамиз, локкайдик қилганимизни тан оламиз, – деди "Бунёд" ширкати раҳба-

ри Зайниддин Жумабев.

Иш режасини сураган эдик, раҳбар бир даста қозғолар ичидан қидирган бўлди, аммо, аслида йўқ нарса топилаётми? Аксинча, аҳоли олдида мулзам бўлгани қолди.

70 ёшдан ошган Ксения Цой: "Менинг уйимни ҳам бориб кўринглар", деб илтимос қилди. У 24-уйнинг биринчи қаватидаги 11-хонадонда яшар экан. Айтишича, 10 йилдан бери 2-қаватдаги қўшничи сув тоширган-тоширган эмиш. Уйини ҳар йили ўзи таъмирлар экан. "Муста-

қиллик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раҳим Жўраевга мурожаат қилса: "Жонга тегдинг, қаерга борсанг бор", дебди...

Шаҳарчадан ҳафсаламиз пир бўлиб, қайтар эканмиз, шохбека пештоқидеги "Ҳолатхона" ёзувиға кўзимиз тушиб, ёқа ушладик. Билсак, бекатдан 10-15 қадм нарида ҳақиқатдан ҳам, ҳолатхона бор экан. Қўп бекатларни, улардаги турли ёзувларни кўрганмиз. Аммо, бунақаси фақат Толбулоқда бўлса керак!..

ДАВРОН АҲМЕДОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

Ўтган йиллар мобайнида бу борадаги эзгу ишлар изчил давом эттирилди. Оила йили, Ёшлар йили, Баркамол авлод йили, Мустақкам оила йили ва Обод турмуш йилида бу масалалар алоҳида эътибор қаратилиб, ёш оилалар, шунингдек, Меҳрибонлик уйларида камолга етиб, мустақил ҳаётга қадам қўйган ёшларга уй-жой ажратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида кўра ёш оилаларга узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари берилмоқда. Эътиборлиси, яқка тартибда уй қуриш, уни реконструкция қилиш ёки квартира сотиб олиш учун ипотека кредити олувчи ёш оилаларнинг даромадларига нисбатан солиқ имтиёзлари татбиқ этилмоқда.

Жаҳоннинг қўллаб-даватларида уй-жой аҳолининг энг ўткир муаммоларидан бири бўлиб турган, глобал молиявий инқироз сабаб тураржойлар қурилиши кескин қисқараётган бир пайтда Ўзбекистонда бу борадаги бунёдкорлик ишлари кўлами тобора кенгаймоқда.

Президентининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 4 қаватли, 48-64 хонадонли "Камолот" уйлари барпо этилмоқда. Худудларнинг табиий иқлим шaroитини ҳисобга олган ҳолда, замонавий қурилиш материаллари ва технологиялари

(Давоми. Боши 1-бетда).

асосида ёш оилалар учун қурилатган ушбу уй-жойлар мамлакатимизда ёшлар келажагига берилаётган юксак эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

– "Камолот" уйлари олишнинг ният қилган ёш оилаларга қандай таъминлаб қўйилган?

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги "Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашнинг янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ "Камолот"нинг кўп квартиралли уйларида ёш оилаларга квартиралар бериш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида"ги низоми тасдиқланди.

Низомга кўра "Камолот" уйлари имтиёзли ипотека кредити орқали олиш учун ёш оила тураржой шaroитини яхшилашга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган, айлани пайтда фан, санъат, адабиёт, спорт ва бошқа соҳаларда юксак натижаларга эришган бўлиши керак. Ёш оила рўйхатдан ўтказилган никоҳга биринчи марта кирган, "Камолот" уйларида бирини ипотека кредити асосида сотиб олиш учун ариза берган пайтда эр-хотин ҳар бирининг ёши 30 ёшдан ошмиган бўлиши талаб этилади.

Эр-хотинларнинг номидан уй-жой бўлмаса, доимий рўйхатдан ўтиш жойи бўйича ёш оила ижара бўлишида истиқомат қилса, шунингдек, оила аъзолари орасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатта муволакат мусобақалари, танловлар ва олимпиадалар совриндорлари фан, санъат, адабиёт, спорт соҳасида ва бошқа соҳаларда юксак натижаларга эришган ёшлар ҳам шулар қаторига кирилади.

– "Камолот" уйи олиш учун қаерга мурожаат қилинади?

– Бунинг учун эр-хотиндан бири доимий рўйхатдан ўтиш жойи бўйича "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман (шаҳар) кенгашига ариза билан мурожаат этади. Аризага никоҳ тўғрисидаги гувоҳ

фик ўткир сурункали касалликлардан азоб чекувчи ва алоҳида квартирада яшашга муҳтож шахслар бўлса бундай оилалар уй-жойга муҳтож ҳисобланади.

Давлат мукофотлари, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони соҳиблари, нуфузли халқаро ва мам-

номанинг нусхаси, оиланинг таркиби тўғрисида яшаш жойидан берилган маълумотнома ва оила аъзоларининг паспортлари (тутилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар) нусхалари, яшаш жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томони-

тўғрисидаги декларацияларнинг нусхалари, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг худудий бўлини маси томонидан берилган эрхотинда мулк ҳуқуқи билан тураржой йўқлиги тўғри-

дикланадиган "Камолот"нинг кўп квартиралли уйларида ёш оилаларга квартираларни ипотека кредити асосида сотиб олиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича худудий комиссияга юборилади. Худудий комиссия хужжатларнинг ҳақиқийлиги,

лиёлаштириш ставкасига тенг бўлган фоизли ставка (айни пайтда 9 фоиз)да ипотека кредити асосида ёш оилаларга мулк қилиб бериш тартиби белгиланган. Бу кредитлар тижорат банклари томонидан ёш оилаларга квартиралар сотиб олиш, яқка тар-

сабз, Кармана, Қизилтепа, Мингбулок, Тўрақўрғон, Жомбой, Иштихон, Пастдарғом, Оқолтин, Сардоба, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Тошлоқ, Учқўрғон, Бўстонлик, Оҳангарон, Гурлан, Хива, Хонқа, Чилонзор, Сергели, Учтепа ва Бектемир туманлари худудида "Камолот" уйлари барпо этилиб, фойдаланилмаётган ва қурилиш тугалланмаган биналар реконструкция қилиниб ёш оилаларга топширилди.

Айни пайтда "Камолот" уйлари учун ҳисобга қўйиш масаласи билан шугулланувчи марказий ва худудий комиссиялар келиб тушган аризаларни сингичлаб ўрганмоқда. Мақбул топилган ёшларга "Камолот" уйларида бирини сотиб олиш учун махсус тавсиянома берилаётди. Ҳозирги кунга қадар 2500 га яқин ёш оила рўйхатта олиниб, улар ана шундай тавсияномаларга эга бўлди.

"Камолот" уйларидаги наватбадгиси янги – 2016 йил арасида ўз эгаларига топширилади. Бу ҳам ўзига хос рамзий маънога эга: янги йил қўллаб ёшлар ҳаётига янги ютуқлар, улкан зафарлар билан кириб келади. Янги йил ўзининг туҳфалари билан ёш оила турмушида янги саҳифалар очади.

Давлатимиз раҳбарининг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт", деган сўзлари мана шу заминда яшаётган ҳар бир инсон учун муқаддас бурчга, ўзбекна ҳаёт мазмунига айланиб бормоқда. Зотан, халқимиз ҳеч қачон ҳеч қимдан кам бўлмайдиган авлоднинг тарбиялашда ҳам ҳеч қимдан кам бўлмайди. Ўзбекистон – эзгу орзулари ушлаган бахтли ёшлар мамлакат! ЎЗА МУХБИРИ ДИЛШОД КАРИМОВ СУХЛАТЛАЙДИ.

ОЗОД ВА ОБОД МАМЛАКАТНИНГ БАХТЛИ ЁШЛАРИ



дан берилган ёш оиланинг тураржой шaroитларини яхшилашга муҳтожлигини назарда тутувчи маълумотнома, иш берувчининг муҳри билан тасдиқланган меҳнат дафтарчаси нусхаси, доимий иш жойидан тақдим этилган ариза берувчининг (оила аъзоларининг) охириги 12 ойдаги даромадлари тўғрисидаги маълумотнома, иш берувчининг муҳри билан тасдиқланган меҳнат дафтарчаси нусхаси, доимий иш жойидан тақдим этилган ариза берувчининг (оила аъзоларининг) охириги 12 ойдаги даромадлари

сидаги маълумотнома, ёш оиланинг фан, санъат, адабиёт, спорт ва бошқа соҳаларда юксак натижаларга эришганлиги тасдиқланган ҳужжатлар нусхалари кўшимча равишда тақдим этилиши шарт.

Ушбу маълумотлар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман (шаҳар) кенгашига тақдим этилган, ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар икки кун муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тас-

адолатлилигини кўриб чиқади ҳамда далолатнома расмийлаштирилади.

Далолатномага биноан ҳужжатлар худудий комиссия томонидан ёш оилаларга берилган ҳулоса билан биргаликда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳузуридаги комиссияга юнатилади. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳужжатларни белгиланган тартибда кўриб чиқиб, ёш оилаларга "Камолот"нинг кўп квартиралли уйларида сотиб олиш учун махсус тавсиянома беради. Тавсиянома асосида тижорат банклари ёш оилаларга имтиёзли ипотека кредитини ажратди ҳамда бир вақтда тегишли пудрат қурилиш ташкилотларига тавсияномага эга бўлган ёш оилалар рўйхати юборилади.

– **Имтиёзли ипотека кредитининг харақатлари хусусиятлари нималардан иборат?**

– Низомда "Камолот" уйларида қуриш ҳамда фойдаланилмаётган ва қурилиш тугалланмаган объектларни кўп квартиралли уйлар сифатида реконструкция қилиб, Марказий банкнинг қайта мо-

«Кексалар ва ногиронларни ижтимоий, маънавий ҳамда моддий қўллаб-қувватловчи нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ёритган энг яхши тахририят ва журналист» танлови тўғрисида

ЭЪЛОН

"Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да белгиланган вазифаларни амалга ошириш, "Кексаларни ёзозлаш йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан кексалар ва ногиронлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга кўмаклашишга доир тадбирларни амалга оширишда ОАВ иштироки ва ролини ошириш, журналистларни рағбатлантириш орқали фуқаролик жамиятини шакллантириш соҳасидаги давлат сиёсатини ёритишга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциацияси билан ҳамкорликда "Кексалар ва ногиронларни ижтимоий, маънавий ҳамда моддий қўллаб-қувватловчи нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ёритган энг яхши тахририят ва журналист" танловини эълон қилади.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

– Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига танловда қатнашиш учун эркин хат; – тахририятлар учун – газета ёки журналларда 2015 йил давомида эълон қилинган ННТ фаолияти ёритилган ижодий ишлар рўйхати (шу жумладан, электрон шаклда);

– журналистлар учун – газета ёки журналларда 2015 йил давомида эълон қилинган ННТ фаолияти ёритилган ижодий ишлар рўйхати ва матни ёки нусхаси (шу жумладан, электрон шаклда).

Мукофотлар:

Биринчи ўринга:

"Кексалар ва ногиронларни ижтимоий, маънавий ҳамда моддий қўллаб-қувватловчи нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ёритган энг яхши тахририят"га – биринчи даражали диплом ва планшет; "Кексалар ва ногиронларни ижтимоий, маънавий ҳамда моддий қўллаб-қувватловчи нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ёритган энг яхши журналист"га – биринчи даражали диплом ва планшет.

Иккинчи ўринга:

"Кексалар ва ногиронларни ижтимоий, маънавий ҳамда моддий қўллаб-қувватловчи нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ёритган энг яхши тахририят"га иккинчи даражали диплом ва фотоаппарат; "Кексалар ва ногиронларни ижтимоий, маънавий ҳамда моддий қўллаб-қувватловчи нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ёритган энг яхши журналист"га – иккинчи даражали диплом ва фотоаппарат.

Учинчи ўринга:

"Кексалар ва ногиронларни ижтимоий, маънавий ҳамда моддий қўллаб-қувватловчи нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ёритган энг яхши тахририят"га – учин-

чи даражали диплом ва диктофон;

"Кексалар ва ногиронларни ижтимоий, маънавий ҳамда моддий қўллаб-қувватловчи нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ёритган энг яхши журналист"га – учинчи даражали диплом ва диктофон.

Бундан ташқари, танлов иштирокчи ва голибларига бошқа ҳоимларнинг мукофотлари ҳам топширилиши мумкин.

Ҳужжатлар 2015 йил 1 декабр соат 17.00 гача қабул қилинади. Танловда мамлакатимизда фаолият юритаётган босма ОАВ, журналистлар, ННТ вакиллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этиши мумкин.

Танлов Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, 100049, Амир Темур шоҳқўчаси, 14-уй ёки uznnfnd@uamail.uz, uz.nnfma@uamail.uz upzero1992@uandex.ru электрон почтасига.

Ҳужжатлар тўғрисида тўғри топширилганда, аризалар Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондида шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Танловда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни www.ngo.uz сайти ёки (+99871) 233-52-41, 233-35-26, 233-24-92 телефон рақамлари орқали олиш мумкин.

Танлов ташкилий қўмитаси.

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментини "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2015 йил 24 ноябрдаги 49-сонли Баённомаси қарори билан:

Ўзбекистон Республикаси "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 23-моддасига асосан:

1. "PULAT NUROVI" МЧЖга "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида микроавтобусларда ва енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000846 ва 000594 рақамли лицензияларнинг амал қилиш муддати 2015 йил 25 ноябрдан тугатилди.

2. "BOLAJON-ADIZ" ХКга "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳарда микроавтобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000886 рақамли лицензиясининг амал қилиш муддати 2015 йил 25 ноябрдан тугатилди.

Тошкент вилояти «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонасида Республика ҳамда Маҳаллий напирга 2016 йил обуна мавсуми давом этмоқда.	
Вилоятнинг барча туманларида филиаллар маълумоти.	
Вилоят обуна бўлими:	0-371-233-13-04
Ангрен шаҳар филиали:	+998946546638
Бекobod шаҳар филиали:	+998903508872
Бекobod туман филиали:	+998901674327
Бўстонлик туман филиали:	+998949308045
Зангиота туман филиали:	+998909764793
Олмалик шаҳар филиали:	+998917883393
Оҳангарон туман филиали:	+998935082299
Урта Чирчиқ туман филиали:	0-370-76-21-476
Чиноз тумани филиали:	0-370-59-31-331
Чирчиқ шаҳар филиали:	+998955159677
Юқори Чирчиқ туман филиали:	0-370-71-64-617
Пискент туман филиали:	+998901259907
Қибрай туман филиали:	+998901684678
Янгийул туман филиали:	+998936197733
Паркент тумани филиали:	+998936138316
Обунага кўмакчи – МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ	0-370-60-22-034
	+998942152173
	+998901684678

2015 йилнинг 30 ноябрь куни соат 10.00 дан 12.00 гача Тошкент вилояти адлия бошқармаси биносига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги раҳбариятининг жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини сайёр қабул қилиш режалантирилди.

ТУЗАТИШ

"Қўп тармоқли қўчмас мулк савдо" МЧЖ "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 21.11.2015 йилдаги 93-сонда берилган эълон "Такрорий аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани СИБ томонидан Жиноий ишлар бўйича Тошкент шаҳар судининг 06.03.2015 йилдаги 1-42/15-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи - 797 635 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ц-4 мавзеси, 11-Б уйда жойлашган, умумий майдони 144,19 кв.м. бўлган тўққиз қаватли бинонинг 4-қаватидаги 33-хонадон "тураржой" қўйилмоқда" сўзлари урнига "Такрорий аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани СИБ томонидан Жиноий ишлар бўйича Тошкент шаҳар судининг 06.03.2015 йилдаги 1-42/15-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи - 717 871 500 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Ц-4 мавзеси, 116-уйда жойлашган, умумий майдони 144,19 кв.м. бўлган тўққиз қаватли бинонинг 4-қаватидаги 33-хонадон "тураржой" қўйилмоқда" деб ўқилсин.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефон: 249-54-59.

"КО'Р TARMOQLI KO'SHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Такрорий аукцион савдосига 1) Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани СИБ томонидан 20.10.2014 йилдаги 10-1416/14501-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи - 418 783 500 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Д-20-А мавзеси, 8-уй, 130-131-хонадонларда жойлашган, умумий майдони 137,0 кв.м.дан иборат "Офис биноси"; Чилонзор тумани СИБ томонидан 2) Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 10.06.2013 йилдаги №10-1214/23541-сон ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг бошқа ижро варақасига асосан, бошланғич нархи - 3 670 626 340 сўм бўлган, "LIFTMONTAJSOZLASH" МЧЖга қарашли, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Жанабўйи-Гарбий санот ҳудуди, Проектная Г-44 кўчаси, 8-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 14485 кв.м., бино ва иншоотларнинг умумий майдони 2325,0 кв.м.дан иборат бўлган "Ишлаб чиқариш ҳудуди" бино ва иншоотлари мулкчи мажмуа ҳолда; 3) Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг қарорлари асосида, бошланғич нархи - 1 292 739 908 сўм бўлган, "LIFTMONTAJSOZLASH" МЧЖга қарашли бўлган, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 6-қаватда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 1,385 га, ҳўжатли қурилма 498,0 кв.м., ҳўжжасиз қурилмалар 887,0 кв.м.ни ташкил қилади, яъни Блок-А оромхона-на-пех биноси, Блок-Б қўшма қурилма (ҳўжжасиз), Блок-В навес, Блок-В1 навес, Блок-В2 навес, Блок-Г қайта

қурилган бино (ҳўжжасиз), Блок-Д ҳўжжасиз бино 8 донга вагон домик, 1 донга қозловий қран, 1 донга лухбалочный қранлардан иборат бўлган "Бошқарма ҳудуди" мулкчи мажмуаси қўйилмоқда. Такрорий аукцион савдосига 20208000104931635001 ҳисоб рақамли тўлашлар шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижроқарарлари бўлимининг вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишсин мумкин. Аукцион савдосига қўйилган мол-мулклар билан ариза ва бошқа тегишли ҳўжатлар расмий нш қулилари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдосига қўйилган мол-мулклар билан ариза ва бошқа тегишли ҳўжатларни қабул қилиш қиммати савдоси ўтказишда бир нш қуни қолганда соат 17.00 да тугатилган.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: № 0039.

Яқинда яна бир ҳолатга гувоҳ бўлдик. Тўй ўтгандан сўнг келин сарподо қилинган пальтони кияман деса, пальто йўқ, этикни кияман деса, этик йўқ, уйда оёқ остига солинган гилам йўқ. Нима эмиш, куёв томон "эл кўзига қиллар-дандир олиб, омонат қўйиб турган экан..."

Бу воқеалар ўзимиздан кетиб, ортқча ҳашаму дабдаба-бозликка берилиб, тинч, оёқ-йишта ҳаётимиз учун кераксиз иқир-чиқирлар туфайли бахтимизни бой бериб қўётганимизга бир мисол, холос. Кейинги пайтларда тўй-ҳашам ва бошқа маросимларни ким ўзарга ўтказиш, ортқча исрофгарчилик, тўйга бир-ровга келиб-кетувчи "санъаткорлар"ни фалон пулга ёллаш, рақсга тушаётганлар устидан пул сочиш, қатор-қатор "Жип"-лар карвони, яна бошқа қанчадан-қанча ортқча дахмазалар инсоф-диёнати кишиларнинг гашига тегайир.

Ўзбекистон Президентининг "Тўй-ҳашам, маърака маросимларини тартибга солиш тўғрисида"ги Фармони амал қилаётганига 17 йилдан ошди. Лекин дабдабозлик ва исрофгарчиликлар ҳамон давом этаёпти. Тўғри, айрим ортқча урф-одатлар қисқартирилди. Лекин янгилари келиб чиқаяпти. Жумладан, авваллари тўйда келин-куёвнинг рақсга тушиши, никоҳ оқшомиди тўйга қадар танишувлари ҳақида хикоя қилувчи видеоларнинг кўрсатилиши йўқ эди. Энди-чи? Шуни-чи ачинарлики, яқинда гарб миллатларига хос бир ҳолатнинг гувоҳи бўлдик. Келин қўлидаги гулдастани бир

(Давоми. Боши 1-бетда).

гуруҳ қизларга қарата отди. Қизлар эса бир-бирларини туртиб-суртиб, йиқитиб, гулдастани олиб олишга ҳаракат қилдилар. Нима эмиш: "Ким гулдастани олиб олса, унга куёв чиқиб, бахти очилармиш". Ажабо, ўзбек қизлари азал-азалдан ибодат, ифати билан қадр-

кида ўтар эди. Энг асосийси, тўй баҳонасида шу хонадонга кут-барака, ризқ-рўз ёғилар эди. Энди эса, тўй бўлаётган хонадон жим-жит, кафе, тўй-хоналарда эса нафакат бир тўда ёш-яланг, балки ўрта ёшли жувону эркаклар хорижнинг қулоқни қоматга келтирувчи мусикаларига бачкана

депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида кўриб чиқилиб, Тўй-ҳашамлар, оилавий танта-налар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни мувофиқлаштирувчи жамоатчилик кенгаши тузилиб, дастлабки йиғилиши ўтказилди. Кенгаш аъзоларининг фикр-

КЕЛИН ТОМОН У ДЕДИ, КУЁВ ТОМОН БУ...



ланган. Эшиқларига совчи келса, кўриниш беришга уялишган. Наҳотки, бугунги қизлар турмушга чиқишга шунчалар шошсалар?..

"Бу кафе, ресторанда тўй қилиш қаердан чиқди, билмайман, - дейди бир отахон. - Авваллари, ҳовлида бўлган тўйлар жуда фойдали тарзда, кексалар дуо-фотиҳаси билан бошланар, уларнинг иштиро-

қилиқлар қилиб, рақсга тушадилар. Ичкиликбозлик туфайли кўчада давом этадиган жанжал-тўполонлар. "Болам тўйдан омон-эсон келарми-кан", дея юракни ҳовучлаб ўтиришлар...

Тўйларимиздаги дабдаба-бозликларга барҳам бериш, маърака маросимларини ихчам ва мазмунли ўтказишни йўлга қўйиш масаласи Халқ

мулоҳазалари, тавсиялари асосида қарор қабул қилиниб, "Тошкент вилоятида тўйхона, ресторан, кафеларда тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака-маросимларни ўтказиш Қоидалари" жорий этилди. Вилоятда мазкур қарор ва тадбирларни ўтказишга доир ҳуқуқ ва мажбуриятлар ижросини назорат қилишда давлат идоралари ва жамоатчиликнинг вазифалари ишлаб чиқилиб, оммага тавсия қилинди. Жамоатчилик кенгашининг дастлабки йиғилиши баёнига асосан Оҳангарон, Чиноз, Қибрай туманларида шу мавзуда йиғилишлар ўтказилди.

Албатта, тўй-ҳашам, маърака маросимларини ўтказишда маҳалланинг алоҳида ўрни ва хизмат вазифалари бор. Кейинги йилларда маҳалланинг мавқеи ва нуфузини янада ошириш чоралари кўрилди ва қўрилмоқда. Хусусан, 2013 йил 22 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва

унинг маслаҳатчилари тўғрисида"ги янги тахрирдаги иккита Қонуни қабул қилинди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг ушбу Қонун асосида фуқаролар йиғинлари қошидаги 8 та жамоатчилик комиссиялари, шу жумладан, Яраштириш комиссиясининг Низомлари тасдиқланиб, жорий этилди.

Ушбу комиссиянинг тўй-ҳашам, маърака ва маросимларни тартибга солишга оид вазифалари аниқ-равшан белгилаб берилган. Комиссия раиси ва аъзолари ҳар бир тадбирнинг мақсади, яъни нима муносабат билан ўтказилаётгани, муддати, иштирок этувчилар сони, давом этиш вақти, айнққса, никоҳнинг қонуний қайд этилгани ҳақида хабардор бўлишлари шарт. Асосий эътибор тўйхона, ресторан, кафеларда ўтказиладиган тадбирларнинг иш қунлари соат 7 дан 9 гача, 12 дан 14 гача ва 18 дан 23 гача ўтказилишига, кеч соат 23 дан кейин тадбирларни давом эттиришга йўл қўймасликлари, ушбу талабларга риоя этишдан бош тортган ҳолатларда тегишли ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилиш талаб этилади. Шунингдек, маҳаллаларда диний мазмундаги тадбирларни етарли диний маълумотга ва фаолият юритиш ҳуқуқига эга имом-хатиб ва отинийлар иштирокида ўтказиш, бошқа шахсларнинг маъруза қилишига йўл қўймаслик борасида ҳам доимий жамоатчилик назорати талаб этилади.

Зулхумор ЖҲАЕВА,
"Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бош мутахассиси.



БРИТАНИЯ ҚИРУВЧИ САМОЛЁТЛАР СОТИБ ОЛМОҚЧИ

Чет эл оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарларга қараганда, Британия 138 та янги қирувчи самолёт сотиб олишни режалаштирмоқда.

Умуман қурол-аслаҳа харид қилиш юзасидан жами 12 миллиард фунт стерлингли шартнома тузилган. Британия қанцлери Жорж Осборннинг ишонч билан таъкидлашча, қурол-аслаҳага шунча сармоа сарфлангани муносабати билан мамлакат хавфсизлик салоҳияти жиҳатидан АҚШдан кейинги иккинчи ўринга кўтарилади.

Шунингдек, қанцлернинг сўзларига қараганда, ушбу шартнома амалга ошганидан сўнг Британия фаолияти бутун дунёда таққиланган экстремистик гуруҳ ва бошқа

террорчилик ташкилотларига қарши кураш учун етарли воситаларга эга бўлади. Экспертларнинг таҳмин қилишларича, қурол-аслаҳа харид қилишга оид шартномада террорчиликка қарши курашишдан ташқари, давлатнинг муҳофаа стратегияси ҳақида ҳам сўз юритилади.



ПОЛИЦИЯ КЕЛИШИ БИЛАН УЙ ПОРТЛАДИ

Германия жанубидаги Карлсруэ шаҳрида уч қаватли уйда юз берган портлаш оқибатида тўрт киши ҳаётдан кўз юмди.

Қучли портлаш юз берган жойга 40 дан зиёд ўт ўчириш гуруҳлари зудлик билан етиб келди ва оловни тезда ўчирди. Воқеага гувоҳ бўлганларнинг айтишича, бинонинг учинчи қаватидида хонадонларнинг эгалари узоқ вақт давомидида эшик қўнғирогини босганларга жавоб бераманлар. Die Welt газетасининг маълум қилишича, полициячилар бинога етиб келишлари билан қучли портлаш юз берган. Ушбу уйда саккиз та нуфузли оилалар истиқомат қилган.

Юз берган воқеа охири-

гача тергов қилинмагунча, полиция портлаш сабабларини шарҳламоқчи эмас. Айни пайтда воқеа жойида мутахассислар текширув олиб боришмоқда. Ҳозирча бахтсиз ҳодиса сифатида қаралаётган портлаш террорчилик ҳаракати бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.



МЬЯНМАДА ЕР КЎЧКИСИ

Мамлакат шимолидаги Качин штатида юз берган ер кўчкиси натижасида камида 60 киши ҳалок бўлган ва 100 га яқин киши бедарак йўқолгани ҳақида хабар тарқатди Reuters агентлиги.

Табиий офат нефрит қазиб чиқариладиган шахтага яқин жойда юз берди. Қурбонларнинг қўнчилиги, BBC таъкидлашча, камбағал кишилар бўлиб, қон чикчилари орасидан ярим қимматбаҳо тошларни излаш билан банд бўлганлар. Бундан ташқари, маҳаллий шахтёрларга тегишли ўнлаб уйлар кўчки остида қолди. Аҳолига 30 киши ҳалок бўлгани ҳақида хабар тарқатилган эди. Бирок, қидирув-қутқарув ишлари даво-

мида қурбонлар кўпайиб бораёпти. Маълумотларда таъкидлашча, Качин штатида қазиб олинаётган нефрит гоёт юқори сифатли, бироқ, ушбу шахтада бундай ер кўчкилари тез-тез содир бўлиб туради.



ЧИЛИДА ЗИЛЗИЛА ЮЗ БЕРДИ

Reutersнинг АҚШ геология хизмати маълумотларига таяниб хабар беришча, Чили соҳилларида 5,5 магнитуда куч билан ер силқиниши юз берди.

Агентликнинг хабарига келтирилишча, ер ости силқинишлари мамлакатнинг Кокимбо шаҳридан 84 километр нарида, унинг марказий ўчоғи эса 24,3 километр чуқурликда бўлган.

Ушбу табиий офат натижасида юз берган ватангар-

чилик ва қурбонлар хусусида ҳеч қандай маълумот тарқатилмади.



ЮЗ ҚАВАТЛИ УЙДА ЁНГИН

Чикаго шаҳридаги 100 қаватли осмонўпар бинонинг 50-қаватида ёнгин содир бўлгани ҳақида хабар тарқатди маҳаллий ўт ўчириш бўлими.

Маҳкама эълон қилган маълумотларда келтирилишча, ёнгин одамлар ухлаётган хонада тасодифан юз бериб, сўнг бошқа хоналарга тарқалган. Reutersнинг

хабарига қараганда, ушбу осмонўпар бинода сайёҳлар жуда ёқтирадиган обсерватория ҳам жойлашган экан. Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Санъат

Тошкент Фотосуратлар уйида Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида "Болалар ҳуқуқларини акс эттириб" номли фотокўргазма очилди.

ЁШ ИЖОДКОРЛАР КЎРГАЗМАСИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Мазкур кўргазма санъатга қизиқувчи болалар учун тенгдошлари ижодий таълим олиш, спорт, оила, маҳалла, маданият, табиат оид суратларида акс эттирган.

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази томонидан ўтказилган семинарда қатнашиб, мактабимиздаги биология дарсини суратга олдим, - дейди Яшнобод туманидаги 216-умумтаълим мактаби ўқувчиси Умида Обидхонова. - Санъатга жуда қизиқаман. Мамлакатимизда ёшларнинг ўз қобилиятини намойиш этиши учун барча шароит яратилгани ўзимга ишончини оширмоқда.

Ш. МАМАТУРОВА,
ЎЗА муҳбири.



Бу – қизиқ

- Энг сершамол жой Антарктикадаги Викториа худуди экан. У ерда шамол соатига 215 километр тезликда эсади.
- Айрим китлар 100 йилгача яшайди.
- Йўлбарслар қоронғуда одамлардан кўра 5 марта яхшироқ кўришади.
- Ҳар кун дунёда ўртача 33 хил янги маҳсулот яратилади. Шундан 13 таси ўйинчоқлар.
- Шимпанзе – ойнада ўзини танийдиган ягона жонот ҳисобланади.
- 1 килограмм асал йиғиш учун асалари 2 миллион гулга қўниши керак.
- Сўнгги 4 минг йил ичида одамзот биронта ҳам ҳайвонни хонақаллаштирмаган.

ИҚТИДОРЛАР КАШФ ЭТИЛМОҚДА

Мусиқа одамнинг ахлоқий ва эстетик дидини шакллантириб, ҳис-туйғу ва ижодий қобилиятини ривожлантиради. Бундан ташқари, спорт сингари санъат ҳам мамлакатни дунёга танитади, дўстлик, тинчлик элчиси бўлиб, олам аро кенг қулоқ ёяди. Истиқлол йилларида давлатнинг бу соҳага эътибори янада кучайгани шундан.

Республика Президентининг "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойиши асосида қўллаб-қўлловчи ишчилик қад рўстлади, мактаблар замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Бу эса янги-янги йўналишлар очилиши ва иқтидорларни кашф этишга туртки бўлди. Зангиота туманидаги 32-Болалар мусиқа ва санъат мактабининг 2013 йилда янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Авваллари мактабда 70 ўқувчи санъат сирларидан баҳраманд бўлса, шароит яхшилانгандан сўнг улар 185 тага етди. Йўналишлар ҳам 5 тадан 10 га ортди. Фортепьяно, скрипка, гитара, ўзбек халқ чолғу асбоб-



лари, аккордеон, дамла чолғу асбоблари, эстрада хонадонида, тасвирий санъат, театр санъати, хореография йўналишлари бўйича ўқиш истагидаги ёшлар йилдан-йилга кўпаймоқда.

Билим масканимизда ўқувчиларнинг ўзлари қизиққан соҳа бўйича шугулланишлари учун барча шароитлар бор, - дейди мактаб раҳбари Валентина Ли. - Мусиқа асбобларимиз етарли, концерт залимиз катта, мутахассисларимиз ўз касбларининг усталари. Шунинг учун йилдан-йилга яхши натижаларга эришяпмиз.

Дарҳақиқат, бу йил бўлиб

ўтган "Замонамиз қуйчиси" кўрик-танловининг республика босқичида Нигора Турдиева, Дилобар Наримонова биринчи ўринни қўлга киритишди. Ўқувчилар "Янги авлод", "Камалак юлдузлари", "Академик чолғу ва эстрада ижрочилиги" каби қатор кўрик-танловларда ҳам фаол иштирок эттишмоқда.

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида 27-30 октябрь кунлари болалар, ўсмирлар ва катталар ўртасида бўлиб ўтган халқаро "Арт-Нова" фестивал-танловида Нигора Мирҳалилова, доирада куй ижро этиш бўйича Шерзод Сайдул-

лаев биринчи ўринни қўлга киритиб, 1-даражали диплом билан тақдирланди. Улар яна 4 та номинация бўйича ҳам совриндорлар сафидан ўрин олишди. Ҳалиб санъаткорлар туманга қатор дипломлар ва "Арт-Нова" фестивал-танлови директори Н.Чиркованинг мактаб раҳбари Валентина Ли, ўқитувчилар Иззат Матёкубов ва Илсия Вафина номларига ёзилган миннатдорчилик мактуби билан қайтишди.

НОЗИМА РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.
Даврон АХМАД
олган сурат.

Кўзгудаги ўзимиз

Ёшлигимдаги бир воқеа сира эсимдан чиқмайди. Ҳовлида қўшни болалар билан ўйнаётганимизда кўча эшиги тақиллаб қолди. Онамиз эшикни очдилар. Биз ҳам чувиллашиб чиқиб қарасак, ўрта ёшлардаги киши онамизга жимгина термулиб турибди. Улар кўпни кўрган доно аёл эмасмилар, ҳалиги кишини ичкарига тақилф қилдилар. Сўри тағидаги хон-тахтага қанд-курс, нон-чой қўйдилар. Мехмон кўрпачанинг бир учини қайириб, омонатгина ўтирдиди, босиб-босиб иссиқ чой ичди. Бир бурдагина нон еб, бирпас елпиниб ўтирди. Биз ўйнапмиз-у, кўзимиз қақирилмаган мехмонда. Охири онамизни қақириб беришимизни сўради.

Айтганини қилдик. Шундан сўнг ҳалиги киши узоқ дуо қилиб, ўрнидан турди. Биз чувиллашиб, онамизни саволга тутдик: - У киши ким, нега бизникига кирди? - Шунчаки, йўловчи, - хотиржамгина жавоб бердилар онамиз. - Бегона бўлса нега ки-ради? Сиз бўлсангиз уни мехмон қилдингиз. Шунда улар қулиб қўйдилар-да: - Айтаялди, сен кун айти қизиган пайтда йўлга чиқдинг, - дедилар. - Пешин вақти ҳолдан тойиб, бир пиёла чойга маҳтал бўлиб, дуч келган эшик зулфини

қоқдинг. Ўй эгаси мулозамат кўрсатиб, ичкарига тақилф қилса, қанчалик хурсанд бўлардинг?.. Китобларни қўлдан қўймай ўқийдиган онамиз икки гапнинг бирида: "Учраганини Хизр бил, ҳар кечани қадр бил", дердилар. Назаримда бу мақолни фақат тиллари эмас, балки дилларига жо қилиб, бутун умрлари давомида унга амал қилганларини қариндош-уруғларимиз яқин-яқингача гапириб юришарди.

Албатта, мухтожларга ёрдам қўлини қўзиш, меҳр-муруват кўрсатиш халқимизнинг азалий одати. - Уруш йиллари эди, -

дея ҳикоя қилганди 80 ёшли Антонина Краснопоёрова. - Биз, эвакуация қилинганларни тошкентликлар ўз бағирларига олишиб, меҳр-муруват кўрсатишди. Эски шаруада яшардик. Отам ногирон бўлса-да, уста дурадгор эди. Маҳалладаги ахли уста Алексей деб чақирардик. Отам маҳаллий ахли билан тезда тил топишиб, ака-ука бўлиб кетди. Мен ва онам ўзбек тилини билмасдик. Эртадан кечгача уйдимиз. Баъзида кўча эшик тақиллаб қоларди. Чикиб қарасак, бир сават янги узилган мева-чева ёки сут-қатиқ бўларди. Онам билан саватни бўша-

тиб, ўрнига пул қўярдик. Бироздан сўнг пулимизни эшик зулфига қистириб, саватни олиб кетишардик. Ахир бундай меҳр-муруват яна қайси халқда бўлган?.. Шуларни ҳар эслаганимда маҳалламиздаги Абдуғаффорхўжанинг хурмача қилиги ҳам ёдимга тушади. Кейинги пайтда унинг ишлари юришгандан юришиб кетди. Тушум зўр. Отаси яхшилаб қуриб берган иморатларни қўтариб ташлаб, қайтадан икки қаватли қилиб қурди. Қўша-қўша машина. Гап-сўзи, кийиниши ҳам шунга яраша. Унча-бунчани одам ўрнида кўрмайди.

Бир кун отасига худойи қилди. Улфатлари эшикда қўл қовуштириб туришди. Шу кун маҳалла қариялари маслаҳатлашиб, айримлари уникига, қолганлари эса бошқа маҳалладошлариникига бўлинишди. Бу Абдуғаффорхўжанинг ҳақиқатга текканмиш. "Мен кимман-у, у ким? Нега меникини четлаб, уникига боришди?" - дебди жиғибирони чиқиб. Маҳалла қариялари, марҳум отасининг ёру дўстлари уни ўртага олиб, насихат қилишди. Қани гап ўқитиб бўлса... Орадан кўп ўтмай Абдуғаффорхўжанинг иши орқага кетди. "Ажабтовур иш"лар қилган экан, "синиб"гина қолмай, пайтавасига ҳам қурт тушди...

Неъмат РАФИКОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Маъзилар:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Электрон почта:
thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:

Қабулхона:

233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).

Бўлим муҳаррирлари ва

муҳбирлар:

233-38-23, 233-48-08.

Шартнома ва эълонлар:

233-56-03, 233-65-59.

Ҳисоб-китоб бўлими:

233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета "Тошкент ҳақиқати" тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА

Навбатчи
Наргис ҲАСАНОВА

Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ